

НОРМА МАСЪУЛАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

СУДЬЯЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида умумий юрисдикция судларининг 2012 йил давомида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти натижалари ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Президентимиз И.Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

Мамлакатимиз умумиюрисдикция судлари одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонун билан қуриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият юритмоқда. 2012 йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 161 мингдан ортиқ иш кўрилиб, уларнинг 84,7 фоиздан зиёди бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Мазкур қарорлар бўйича даъво талабларининг 89,4 фоиздан ортиғи қаноатлантирилди. Шу билан бирга, 658 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириш ҳақида 1,9 миллиондан ортиқ суд буйруғи чиқарилди.

Судлар томонидан 2012 йилда кўрилган жиноят ишлари сони 2011 йилга нисбатан 9,9 фоизга, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар сони эса 3,1 фоизга камайди. Айрим жиноят турлари, хусусан, ўғрилик, безорилик, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, қасддан баданга шикаст етказиш, талончилик, bosқинчилик ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш каби жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари ҳам камайди.

2012 йилда ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 12 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса 138 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ҳисобот даврида 89 миллиард сўмдан ортиқ моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган 2700 нафардан зиёд шахсга нисбатан, ушбу қонун ҳаётга татбиқ қилинганидан буён эса 246 миллиард сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 23 мингдан ортиқ шахсга нисбатан озодликдан махрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва суднинг обрўсига путур етказадиган қонун бузилиши ҳолатлари атрофлича муҳокама этилди. Судья ва суд ходимларининг масъулиятини, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Одил судловни амалга оширишда судьялар томонидан қонуний ва адолатли суд қарорлари қабул қилиниши суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини юксалтирадиган, аҳолининг унга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим омил эканлиги алоҳида таъкидланди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ДСҚда ЯНГИ МАХСУС БОШҚАРМА ТУЗИЛАДИ

Президентнинг 24.01.2013 йилдаги «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида» ПҚ-1910-сон қарори билан Давлат солиқ қўмитаси таркибида, белгиланган ходимлар сони доирасида, Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўйича 9 нафар ходимдан иборат махсус бошқарма (кейинги ўринларда – «Махсус бошқарма») ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлимлари тузилиши белгиланди.

Қарор Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш ҳамда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш мақсадида қабул қилинган.

Махсус бошқарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни олиб бориш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилиши мониторингини амалга ошириш ва назорат қилиш;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда валюта жиноятлари ва ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйиш, шу жумладан, назорат хариди механизми воситаси орқали аниқлаш, аниқланган қоидабузарлик фактлари бўйича материалларни жиноят турига қараб қонунни муҳофаза қилиш органларига топшириш;

товарлар ва хизматлар учун нақд хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш бўйича аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона компьютер базасини яратиш ва юритиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик масалалари бўйича аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг тушунтириш, профилактика ишларини олиб бориш.

Қарор билан, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси ва ҳудудий Давлат солиқ бошқармаларининг, туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг намунавий тузилмалари тасдиқланди. Мазкур қўмига икки ҳафта муддат ичида Махсус бошқарма низомини тасдиқлаш, бир ой муддатда эса унинг ҳудудий бўлимларини юқори малакали кадрлар ва зарур моддий-техника базаси билан бутлашни ташкил қилиш топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИГА ЮҚОРИ НАВ БЕРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2013 йилдаги 6-сон қарори билан 2013–2017 йилларда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури қабул қилинди. У пахта толасини сертификатлаш миллий ти-

зимини динамик ва барқарор ривожлантиришни таъминлайди. Дастурда илғор асбоб-ускуналарни жорий этиш, пахта толаси сифатини баҳолашнинг халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган замонавий яхлит тизимини изчил шакллантириш ҳисобига ўзбек паختасининг рақобатга бардошлигини ошириш ва харидорларнинг ишончини қозониш назарда тутилган.

Уни «Сифат» маркази пахта маҳсулотини сертификатлаш ва тарозида тортишга доир кўрсатилган ҳизматлар учун тушадиган, алоҳида субҳисобрақамида жамланган ўз маблағларидан молиялаштиради.

Дастур доирасида «Сифат» маркази пахта толаси сифатини баҳолаш учун синов ускуналари ва ёрдамчи қурилмалар паркини, HVI тизимлари паркини, ахборот тармоқлари ва технологияларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш шарт.

СУДЬЯЛАРНИНГ РАЗРЯДЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 15.01.2013 йилдаги 11-сон қарори билан Президентнинг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (2.08.2012 йилдаги ПҚ-4459-сон) мувофиқлаштириш мақсадида ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.1996 йилдаги 147-сон қарорига ўзгартиришлар киритилди. Республика Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларига тузатишлар киритилди. Туманлараро, туманлар, шаҳарлар фуқаролик ишлари ва жиноий ишлар бўйича судлари, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари ва жиноий ишлар бўйича судлари, хўжалик судлари, вилоятлар маркази бўлган шаҳарлар (шаҳар, туманлараро) умумий юрисдикция судлари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядлари 2 бандга оширилди.

БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ЮЗАСИДАН МАЪЛУМОТЛАРГА ДОИР

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 16.01.2013 йилда 899-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида олиб кириладиган товарлар божхона қийматини маълум қилиш ва назорат қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди. Божхона қийматига доир маълум қилинган маълумотларни тасдиқлаш учун зарур ҳужжатлар рўйхатидан ўров варақлари ва бошқалар чиқариб ташланди. Шу тариқа Қоидалар Президентнинг «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (18.07.2012 йилдаги ПҚ-4455-сон) мувофиқлаштирилди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



1-бетда

ЧИҚИНДИЛАРНИ
ЧИҚАРИШ УЧУН
МУТАХАССИС
БЎЛИШ КЕРАК

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг буйруғи (АВ томонидан 16.01.2013 йилда 1626-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни махсус ускуналар билан жиҳозланган автомобилларда чиқариш коммунал хизматлари кўрсатишда банд бўлган юридик шахсларнинг ташиш хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, мутахассислари малакаси ўрта махсус ва касбий таълим олганлиги ҳақидаги диплом, камида 3 йиллик иш стажига эки ўрта маълумоти ҳақидаги диплом, камида 5 йиллик иш стажига ҳамда Агентликда аттестациядан ўтганлиги тўғрисида ижобий хулоса билан тасдиқланади. Аттестациядан ўтиш учун зарур ҳужжатлар рўйхатига ҳам тегишли қўшимчалар киритилган.

ДАВЛАТ СТАНДАРТИ
БИЛАН СОЛИШТИРИНГ

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 17.01.2013 йилда 1561-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нашрларни чоп этиш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди. Энди нашрлардаги нашрга оид маълумотлар O'zDSt Давлат стандарти 2317:2012 «Нашрлар. Нашрга оид маълумотлар. Расмийлаштиришга доир умумий талаблар ва қоидалар»га мувофиқ тақдим этилиши шарт (илгари улар давлатлараро ДСТ («Нашрни босиб чиқаришга доир маълумотлар» 7.4-95) стандарти ҳамда Матбуот ва ахборот агентлигининг амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ қўйилар эди).

МУҲРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ҚОИДАЛАРИНИ БИЛИНГ

Президентнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг (16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон) 8-бандига мувофиқ ички ишлар вазирининг

буйруғи (АВ томонидан 18.01.2013 йилда 1077-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига ўзгартиришлар киритилди. Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Низом эндиликда юридик шахслар, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ҳисобланмайдиган жисмоний шахсларнинг муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бошқаради. У яққа тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон ҳўжаликларига татбиқ этилмайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрларни тайёрлаш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибига ҳам тааллуқли эмас. 2013 йил 28 январдан кучга кирди.

ШАКЛЛАР КАМАЯДИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 18.01.2013 йилда 1945-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан молия вазирининг «Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжат билан мулкчиликнинг барча шаклидаги суғурталовчилар тақдим этадиган молиявий ҳисобот ҳажмлари қисқартирилди. Чунончи, йил якунларига кўра суғурта компаниялари илгари белгиланган 6 та шакл ўрнига 4 тасини тўлдирадilar:

- Бухгалтерия баланси (1-сонли шакл – суғурта);
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл – суғурта);
- Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот (4-сонли шакл – суғурта);
- Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот (5-сонли шакл – суғурта).

Чораклик ҳисобот энди Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат бўлади. Ундан Асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-сонли шакл – суғурта) ҳамда Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумотнома (2-сонли шакл – суғурта) чиқариб ташланди.

Кичик корхона эки микрофирма мақомига эга суғурталовчилар аввалгидек фақат йилда бир марта ҳисобот берадилар.

Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари 2-параграф «Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифровкаси» (Бухгалтерия баланси – 1-сонли шакл – суғуртага илова) билан тўлдирилди. Расшифровкада суғурталовчининг ҳисобот даврининг охирига санасига мавжуд бўлган

муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари акс этирилиши керак. У суғурталовчида бухгалтерия баланси тузилаётган санада муддати ўтган қарзлар мавжуд бўлган ҳолдагина тўлдирилади. 2013 йил 28 январдан кучга кирди.

ЛИЦЕЙ ЎҚУВЧИСИ
УЧУН ТАЪТИЛ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясининг қарори (АВ томонидан 17.01.2013 йилда 2413-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларига академик таътил бериш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Коллеж (лицей) ўқувчисига академик таътил ўқув йили мобайнида сурункали касаллиги сабабли бир ойдан ортқ вақт давомида дарсларга қатнаша олмаган ўқувчининг саломатлигини тиклаш мақсадида 12 ой муддатгача берилади. Бунда академик таътил муддати ўтишининг бошланиши ўқувчи дарсларга қатнаша олмаётган кундан бошлаб ҳисобланади. Ўқувчига ўқиш давомида икки мартагача академик таътил берилиши мумкин.

Низомга илова сифатида Таълим муассасалари ўқувчиларига тиббий кўрсатмалар бўйича академик таътил беришга оид касалликлар рўйхати тасдиқланган. Академик таътил олиш учун ўқувчининг ота-онаси (эки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) таълим муассасаси директори номига ариза билан мурожаат қилади, унга ўқувчи доимий тиббий назоратда турган тиббиёт муассасаси комиссиясининг хулосаси илова қилиниши лозим. Ўқувчи академик таътилга чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача ўқувчининг ота-онаси (эки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) академик таътилни бекор қилиш ва уни ўқишга қайтаришни сўраб таълим муассасаси директори ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Агар академик таътил даврида ўқувчи ўқиган таълим йўналиши (мутахассислиги) тугатилган бўлса, ўқувчини шу таълим муассасаси эки бошқа таълим муассасасига ўқишини мос ва турдош йўналиши (мутахассислиги) бўйича кўчириш масаласи ҳам ариза билан бирга кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим.

2013 йил 27 январдан кучга кирди.
Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристаримиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ
ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	28.01.2013	1	0,7846	1	1,0586	1	0,0261
Арманистон	28.01.2013	1	406,29	1	545,81	1	13,55
Беларусь	28.01.2013	1	8630,00	1	11570,00	1	287,00
Грузия	28.01.2013	1	1,6602	1	2,2308	100	5,5257
Қозғистон	28.01.2013	1	150,76	1	202,55	1	5,03
Қирғизистон	27.01.2013	1	47,7580	1	64,1127	1	1,5895
Латвия	28.01.2013	1	0,526000	1	0,702804	1	0,017500
Литва	28.01.2013	1	2,3988	1	3,4528	1	0,076862
Молдова	28.01.2013	1	12,1475	1	16,3523	1	0,4044
Россия	26.01.2013	1	30,0451	1	40,2364	-	-
Тожикистон	28.01.2013	1	4,7698	1	6,3333	1	0,1582
Украина	28.01.2013	100	799,3000	100	1076,5772	10	2,6603
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 29 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2083,37	1 Россия рубли	66,53
1 Англия фунт стерлинги	3148,74	1 Украина гривнаси	250,07
1 Дания кронаси	360,43	1 Малайзия ринггити	656,86
1 БАА дирҳами	544,25	1 Польша злотийси	645,45
1 АҚШ доллари	1998,82	1 СДР	3070,49
1 Миср фунти	300,57	1 Туркия лираси	1131,32
1 Исландия кронаси	15,57	1 Швейцария франки	2153,90
1 Канада доллари	1982,96	1 ЕВРО	2668,71
1 Хитой юани	321,20	10 Жанубий Корея вони	18,46
		10 Япония иенаси	219,70

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш эки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Судьяларнинг масъулияти янада оширилди

1-бет

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси 1-2-бетлар

✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР
УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

– Ишбилармонлик ташаббусларида эркинлик кўпроқ бўлсин

– Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳам ходимни ҳимоя қилиш лозим 3-бет

✓ ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

– Улуш эмас, қиймат ўсди

– Филиаллар нималарга ваколатли? 4, 7-бетлар
ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
Идораий-меъёрий ҳужжат

– Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг «Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

5-6-бетлар

✓ ТАЪЛИМ

– Ўқишни кўчириш тартиби тасдиқланди
– Бакалаврдан – докторликка 8-бет

ИШБИЛАРМОНЛИК ТАШАББУСЛАРИДА ЭРКИНЛИК КЎПРОҚ БЎЛСИН

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар «Лицензияланган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг тубдан қисқариши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини (бундан кейин – қонун лойиҳаси) муҳокама қилдилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаштиради. Унинг қондалари ишбилармонлик ташаббусини амалга оширишга халал бераётган кўпгина тўсиқларни бартараф эта олади.

Президентнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони (16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон) аҳамияти жуда каттадир. Унда назарда тутилган бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддашатириш, ҳисобот тизimini ва ҳисоботларни таққим этиш тартибини тубдан оқсимллаштириш чора-тадбирлари ишбилармонлик муҳитини анчагина яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулайроқ шарт-шароитларни вужудга келтириш имконини берди. Ҳозир депутатлар муҳокама қилаётган

ва улар хизматлари ҳамда бошқа лицензияланган фаолият турларига тааллуқли бўлди.

Бунда, масалан, ионли нурланиш манбалари билан муомала қилиш соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, уларни лойиҳалаш-

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Ҳаво ва Божхона кодекслари, Олий Мажлиснинг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» қарори (12.05.2001 йилдаги 222-И-сон), «Давлат санитария назорати тўғрисида», «Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида», «Сугурта фаолияти тўғрисида», «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Чунончи, масалан, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонундан ноширлик фаолиятини амалга оширишга лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги талабни чиқариб ташлаш назарда тутилади, чунки ПФ-4453-сон Фармон билан белгиланишича, ноширлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияларнинг амал қилиш муддатлари чекланмасдан берилди бошланди.

Бундай қоғозда қурилиш лойиҳалари экспертизасини ўтказиш, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишга топшириш ва таъмирлаш бўйича фаолиятга нисбатан ҳам қонунлаштирилади.

Янги асослар бўйича, шу жумладан лицензия беришдан бош тортиш тўғрисида кўрсатилмаган асослар бўйича, агар тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда аризалар такроран тақдим этилган тақдирда, янги асослар бўйича лицензия ва рухсатномалар беришдан бош тортиш тақиқланганлиги қоғозбозлик ва сансалорликни жиддий равишда чеклаш бўлиб хизмат қилади.

**Полянте СВЕШНИКОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасининг
депутати, ЎзЛиДеп
фракцияси аъзоси.**

қонун лойиҳаси ушбу жараёнга қонунчилик хусусиятини бериши керак. Муҳокама қилинаётган ҳужжат давлат статистик, молия, солиқ ҳисоботлари ҳамда бошқа ҳисобот турларини уларни бекор қилиш ва бири-бирини такрорловчи шаклларни бирлаштириш эъзаига қисқартириш назарда тутлади. Чунончи, қонун лойиҳасида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Қонунга (30.08.1996 йилда 279-И-сон) ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган бўлиб, уларга мувофиқ молия ҳисоботлари таркибидан асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот чиқариб ташланади.

Президентнинг ПФ-4453-сон Фармони билан ўтган йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил ва лицензияланган фаолият турларининг 15 таси бекор қилинди, бу эса тегишинча улар умумий сонининг 26 ва 20%ини ташкил қилади. Бу нарса, хусусан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига амалга оширилди. Ўзгартиришлар қимматбахо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш, аудиовизуал асарлар, фонограммалар учун моддий ифодаловчилар ва компьютерлар учун дастурлар ишлаб чиқариш, ички ва халқаро ҳаво линияларида йўловчи ва юклар ташиш, персонал радиочақирув тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш

тириш, қуриш ва уларга хизмат кўрсатиш, улар учун технологик ускуналар, радиацион ҳимоя воситаларини конструкциялаш ва тайёрлаш, шунингдек бундай манбаларни қавлаб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, ишлатиш, хизмат кўрсатиш, ташиш, зарарсизлаштириш, утиллаштириш ва ерга кўмиш юқори технологик фаолиятнинг ягона лицензияланган турига бирлаштирилди.

Объектларни қабул қилиш ва фойдаланишга жорий этиш, саноат ёки маиший чиндиларни уюб қўйиш ёки тупроққа кўмишга рухсат бериш таомилларини бекор қилиш, фуқаролик аэродроми ва экспериментал авиация аэродромини рўйхатга олиш гувоҳномасини, божхона имтиёзлари берилган, шартли чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишга рухсатномаларни бекор қилиш, маданий бойликлар реализациясида иштирок этиш, сугурталовчини тугатишга рухсатномаларни бекор қилиш, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш қондаларини келишиб олишни бекор қилиш ва бошқа таомиллар ҳам ишбилармон кишиларнинг ташаббусини рағбатлантиради.

Муҳокама қилинаётган қонун қабул қилиниши билан



Мамлакатимизда амал қилаётган Меҳнат кодекси 1995 йилда қабул қилинган эди. Ушундан буён мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Шундай бўлса-да, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка кенгрок эркинлик бериш, ички ва ташқи инвесторларни жалб этиш бўйича умумий тамойиллар, ХМТнинг зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги* ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги** конвенциялардан келиб чиқадиган Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятлари меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш йўли билан иш берувчилар ва ходимлар манфаатларининг мувозанатини таъминлаши керак.

Ана шу мақсадда «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у Қонунчилик палатасининг биринчи ўқишида кўриб чиқилди. Унда 2 моддани чиқариб ташлаш, 14 моддага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Меҳнат кодексига янгидан 2 модда киритиш назарда тутилган.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТЛАРИДА ҲАМ ХОДИМНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЛОЗИМ

Чунончи, Меҳнат кодексининг 57-моддасига таклиф қилинаётган ўзгартириш ва қўшимчалар фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича воситачилик фаолияти билан шуғулланидиган тижорат ташкилотларига (кадр агентлиқларига) мурожаат қилиш йўли билан ишга жойлаштириш/иш қидириш имкониятини кенгайтиради. Қонун лойиҳаси улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ҳам қайд этади. **84-моддага** киритилмаган янгилик таълим муассасаларининг ишга биринчи марта кираётган битирувчиларини ишга қабул қилиш чоғида дастлабки синовни белгилашни тақиқлайди.

121-модда давлат байрамлари арафасида ёки улардан кейин иш кунларини кўчириш чоғида қисқартирилган меҳнат режимини ўрнатиш тартибини белгилайди. **150-модда** эса иш ҳақи сақланмайдиган таътил бериш муддатини 3 ой қилиб чеклайди. **239-мод-**

ларнинг муайян миқдори ёки фоизини ташкил этадиган ҳоллар учун чеклашни назарда тутлади. Саноати ривожланган 27 мамлакатнинг 21 таси, шу жумладан Япония, Англия, Германия, Канада қонун ҳужжатларида эса иқтисодий ва ташкилий тусдаги сабаблар бўйича 10 нафардан ортиқ ходим жамоавий (оммавий) ишдан бўшатилганда чеклашлар мавжуд.

Киритилмаган **102-модда** ходимларнинг ўртача рўйхат миқдори қуйидагича бўлган корхоналар учун оммавий ишдан бўшатишнинг мазкур миқдор мезонларини белгилайди:

100 кишига қадар – 10 нафардан ортиқ ходимнинг;

100 дан 300 нафаргача бўлса – ходимларнинг 10%и;

300 дан 1 000 нафаргача бўлса – ходимларнинг 5%и;

1 000 нафар ва ундан кўп киши бўлса – ходимларнинг 3%и;

шаҳар ҳосил қилувчи ва уларга тенглаштирилган корхоналар учун – ходимларнинг 1%и. Ана шу нисбатдаги ходимлар ишдан бўшатиб олинса, оммавий ишдан бўшатиш деб ҳисобланади.

Янгидан киритилмаган **125-моддада** ўриндошлик бўйича, бир неча касбни (лавозимни) бирга олиб бориш, хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтириш ва бажариладиган ишлар ҳажмларини кўпайтириш чоғида ишлашнинг умумий тартиби берилган.

Кодекснинг **251** ва **252-моддаларини** долзарблигини йўқотган моддалар сифатида чиқариб ташлаш таклиф қилинади. Бу ҳам ўринли тахрир – зеро уларда ишчи ёшларнинг кечки мактабларида таълим оладиган ходимлар учун иш кунини қисқартириш назарда тутилмаган қондалар келтирилган.

Ушбу қонунни қабул қилиш қўшимча моддий харажатларни талаб қилмайди ва давлат даромадларини қисқартириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни талаб қилмайди. Айни вақтнинг ўзида бошқа қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топиш талаб этилмайди. Бироқ у ёлланма ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш имконини беради.

**Насимжон АЛИМОВ,
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзЛиДеп фракцияси
аъзоси.**



да ишга биринчи марта кираётган 18 ёшга тўлмаган шахсларни, шу жумладан олий ўқув юртида давлат грантлари бўйича ўқиган таълим муассасаларининг ундан катта ёшдаги битирувчиларини ишга қабул қилишда берилмайдиган кафолатларни кенгайтиради.

Меҳнат кодексига 2 та янги модда киритилди.

102-модда ходимларни оммавий тарзда бўшатиб олиш шартлари ва мезонларини белгилаш керак (бу нарса ривожланган мамлакатларнинг амалиёти ва халқаро нормаларга мувофиқ келади). Чунончи, ХМТнинг меҳнат муносабатларини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги 158-сон конвенцияси*** ишдан бўшатиш режалаштирилаётган меҳнаткашларнинг миқдори кам деганда ходим-

*Женева, 28.06.1930 йил. ЎзР ОМнинг 30.08.1997 йилдаги 492-И-сон қарори билан ратификация қилинган. 1932 йил 1 майдан кучга кирган.

**Женева, 17.06.1999 йил. ЎзРнинг 8.04.2008 йилдаги ЎРК-144-сон Қонуни билан ратификация қилинган. Ўзбекистон учун 2009 йил 24 июндан кучга кирган.

***Женева, 22.06.1982 йил. 1985 йил 3 ноябрдан кучга кирган.

МЧЖ икки муассисга эга: юридик шахс (улуш миқдори – 19%) ва жисмоний шахс (улуш миқдори – 81%). Жамиятнинг устав фонди тўлиқ шакллантирилган. Юридик шахс унга ўз ҳиссасини 129 млн сўмлик бинолар ва иншоотлар билан киритган, буни кўчмас мулкка доир кадастр ҳужжатлари (баҳолаш далолатномаси) тасдиқлайди.

Кейинроқ бинолар ва иншоотларнинг хизмат мақсади ўзгариши сабабли жамият томонидан кадастр ҳужжатлари қайта расмийлаштирилганда туманнинг ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати улар қийматини қайта баҳолади ва янги гувоҳнома берди. Қайта баҳоланган қиймат 667 млн сўмни ташкил қилди.

Кўчмас мулкнинг кадастр қиймати қайта баҳоланганда муассис юридик шахснинг улуши кўпаядими? Агар кўпайса, мазкур кўпайишдан норози бўлган муассис жисмоний шахс буни низолаша оладими?

УЛУШ ЭМАС, ҚИЙМАТ ЎСДИ

– Йўк, мазкур ҳолда муассис юридик шахснинг улуши кўпаймайди.

Мол-мулк МЧЖнинг устав фондига ҳисса сифатида берилганда унга бўлган мулк ҳуқуқи муассисдан жамиятга ўтади (Фуқаролик кодекси 58-моддасининг биринчи қисми).

Устав фондига қўшилаётган мол-мулкнинг пул баҳоси мол-мулкни киритаётган муассис улушининг миқдорини умумий йиғилишнинг қарори билан тасдиқлаш пайтида белгиланади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» Қонуннинг¹ 14, 15-моддалари).

Белгиланган тартибда МЧЖнинг устав фондига киритилганидан кейин мол-мулк қийматини қайта баҳолаш натижасидаги ўзгариш мазкур Қонун билан МЧЖ муассиси (муассислари) улушларининг миқдорини кўпайтириш (камайтириш) учун асос сифатида назарда тутилмаган.

Артём МОКШИН,
«Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.

¹6.12.2001 йилдаги 310-II-сон.

ФИЛИАЛЛАР НИМАЛАРГА ВАКОЛАТЛИ?

ШАКЛНИ ТАНЛАЙМИЗ

ОАЖ лойиҳани амалга ошириш тендериди ютиб чиқди. Мазкур соҳада илгари ишламаганимиз боис лойиҳа бўйича ишларни бажариш учун ОАЖ филиали ёки таркибий бўлинмасини (дирекция, департамент ва бошқалар) барпо этишни ўйлаёмиз. Бундай таркибий бўлинмаларнинг афзаллиги ва камчиликлари нимадан иборат?

– Фуқаролик кодекси (ФК) 47-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ филиал юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисминини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир. Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

Дирекция, департамент ва бошқа шу сингари таркибий бўлинмалар одатда юридик шахс жойлашган жойда барпо этилади, у ҳақидаги низомга асосан қатъий белгиланган вазифаларни амалга оширади. Бўлинмаган мол-мулк ажратилмайди. Унинг раҳбари одатда шартномалар тузиш, ишга қабул қилиш, ОАЖ номидан ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга эмас.

Лойиҳани амалга оширишни ташкил этишни ўйлаганда бўлинмалар турли шакллариининг имкониятлари ҳамда камчиликлари таҳлил қилиш лозим. Чунинчи, филиалга қуйидаги афзалликлар берилган:

1) ўзининг муҳр ва штампларига эга (Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг¹ 45-банди, бундан кейин – 1077-сон Низом);

2) талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағини очиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси банкларида очилаётган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқноманинг² 14-банди,

бундан кейин – 1948-сон Йўриқнома);

3) мустақил бухгалтерия ҳисобини юридади («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг³ 3-моддаси);

4) уни ва бошқа ҳисобот шакллариини албатта ОАЖнинг умумлаштирилган ҳисоботига киритиш йўли билан унга мустақил баланс ажратилиши мумкин («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси);

5) ўзининг солиқ мажбуриятлари бўйича мустақил жавоб бериши мумкин (Солиқ кодексининг (СК) 35-моддаси);

6) солиқ мажбуриятини мустақил равишда бажарадиган филиаллар ўзининг жойлашган еридаги ёки фаолиятни амалга ошираётган жойидаги солиқ органида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилиши керак (СКнинг 79-моддаси);

7) филиал ходимларини ишга қабул қилишни филиал раҳбари амалга оширади (Меҳнат кодексининг (МК) 15-моддаси).

Айни вақтда шуни эътиборга олиш лозимки:

• **акциядорлик жамиятларининг филиали фаолияти учун уларни барпо этган АЖ жавоб беради** («Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг⁴ 8-моддаси, бундан кейин – АЖ тўғрисидаги Қонун);

• **филиал фаолияти билан боғлиқ қарзлар бўйича юридик шахс ўзига тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавоб беради** (ФКнинг 48-моддаси);

• **кредитор исталган вақтда АЖга филиал фаолияти билан боғлиқ эътирозлар билдириши мумкин** (Олий ҳўжалик суди Пленумининг 15.06.2007 йилдаги 162-сон

УСТАВ МУНОСАБАТЛАРИ

ОАЖнинг кузатув кенгаши филиални барпо этиш ва унинг низомини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. ОАЖ уставига ОАЖнинг республикада фаолият юритаётган урта филиалининг номи ва жойлашган жойи ҳақида ахборот мавжуд. Биз яна бир филиал барпо этилиши муносабати билан уставга ўзгартиришлар киритишимиз керакми?

– АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ жамият уставига унинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиши керак. Мазкур меъёр бундай маълумотлар қандай шаклда бўлишини белгиламаганлиги муносабати билан, фикримизча, уставда филиаллар барпо этилиши ва фаолияти тўғрисида умумий кўрсатмалар бўлиши етарлидир. Филиалнинг таркиби ва фаолияти тўғрисидаги аниқ меъ-

ёрлар у тўғрисидаги низомда баён этилиши керак.

АЖ тўғрисидаги Қонун 82-моддасининг йигирма иккинчи хатбошисига кўра филиалларни барпо этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш кузатув кенгашининг мутлақ ваколатлар доирасига киради. Шу сабабли ОАЖ филиали барпо этилган тақдирда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб қилинмайди.

қарори⁵ 9-бандининг иккинчи, учинчи хатбошилари);

• **ҳўжалик судлари филиалга нисбатан даъволарни қондириш чоғида ҳукм қилинган суммани филиаллардан эмас, балки айни мазкур ишга жалб этилган юридик шахслардан ундирадilar** (ОХС Пленуми 162-сон қарорининг 9-банди учинчи хатбошиси).

Агар лойиҳани амалга ошириш учун алоҳида бўлмаган таркибий бўлинма (дирекция, департамент ва бошқалар) танланганда, унда:

1) барча ҳўжалик шартномалари таркибий бўлинма номидан эмас, балки ОАЖ номидан тузилади;

2) унинг фаолияти учун ОАЖ раҳбари шахсан жавобгар бўлади;

3) таркибий бўлинма ўз муҳрини тайёрлаш ҳуқуқига эга. Бироқ ундан юридик шахс номидан келиб чиқадиган ҳужжатларни, яъни шартномалар, хатлар, буйруқларни тасдиқлаш учун фойдаланиш мумкин эмас (1077-сон Низомнинг 12-банди);

4) у банкларда ҳисобварақ очишга ҳақли эмас (1948-сон Йўриқнома);

5) у мустақил бухгалтерия ҳисобини юритишга ҳақли эмас («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун);

6) ходимларни ишга қабул қилиш ОАЖ раҳбарининг буйруғи асосида амалга оширилади, чунки таркибий бўлинма иш буюрувчи бўла олмайди (МКнинг 15-моддаси).

Лойиҳани амалга ошириш учун ОАЖнинг алоҳида бўлмаган таркибий бўлинмасини барпо этиш афзалликлари орасида фаолиятни янада тезкор назорат қилиш, шунингдек уни акциядорлик жамияти директорининг буйруғи билан барпо этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш имкониятини айтиш мумкин.

Шу тариқа, лойиҳани амалга ошириш учун филиал ёки бошқа таркибий бўлинмани (дирекция, департамент ва хоказо) барпо этиш тўғрисидаги қарорни бўлғуси ишнинг ўзига хос хусусиятлари, уни бажариш миқёслари ва хусусиятлари ҳамда бошқа омилларидан келиб чиқиб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда шуни назарда тутиш лозимки, агар ОАЖ уставига урта филиалнинг номи ва почта манзиллари кўрсатилган бўлса, нима учун улар тўғрисидаги маълумотлар уставда бору, тўртинчи филиал тўғрисида ахборот унда кўрсатилмаган, деган саволлар туғилмаслиги учун, унинг матнидан филиалларнинг номи ва почта манзилларини чиқариб ташлаш таклиф қилинади. Айни вақтда уставга филиалларни барпо этиш ва уларнинг фаолияти тўғрисида умумий қоидаларни назарда тутувчи ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур янгиликлар акциядорлар умумий йиғилишининг уставга ўзгартиришлар киритиш ва уларни тегишли рўйхатдан ўтказиш органида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан амалга оширилади (АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 16-банди ва 18-моддалари).

¹Икки ишлар вабирининг АВ томонидан 27.10.2011 йилда 1077-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

²МБ бошқарувининг АВ томонидан 27.04.2009 йилда 1948-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

³30.08.1996 йилдаги 279-1-сон.

⁴26.04.1996 йилдаги 223-1-сон.

⁵«Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида».

Реклама

Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари
WWW.NORMA.UZ

7-бетда

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТ

– Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг «Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИГА «БИР ДАРЧА» ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА УЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилган.
Рўйхат рақами 2411.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил, 3-сон, 33-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 7 апрелдаги 3-сон «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВт гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2220, 2011 йил

27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 17-сон, 173-модда);

Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2012 йил 17 февралдаги 2-сон «Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВт гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2220-1, 2012 йил 16 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 128-модда).

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ
А.НИМАТУЛЛАЕВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 30 декабрь
12-сон.

ЎзР Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг
2012 йил 30 декабрдаги 12-сон буйруғига
ИЛОВА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИГА «БИР ДАРЧА» ТАМОЙИЛИ БЎЙИЧА УЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартибни белгилайди.

1 БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

«Бир дарча» хизмати – электр таъминоти корхонасининг таркибий бўлини маси (ёки ваколатли ходими) томонидан тадбиркорлик субъектларининг (бундан буён матнда истеъмолчилар деб юритилади) электр қурилмаларини электр тармоқларига соддалаштирилган тартибда улаш учун зарур бўлган ишларни ташкил этилишини амалга ошириш;

электр қурилмаси – электр энергиясини ишлаб чиқариш, трансформация қилиш, узатиш, тақсимлаш ҳамда уни энергиянинг бошқа турига айлантириш учун мўлжалланган машиналар, аппаратлар, электр узатиш линиялари ва ёрдамчи ускуналар йиғиндиси (улар ўрнатилган иншоотлар ва бинолар билан бирга);

электр таъминоти корхонаси – ҳудудий электр тармоқ-

лари корхонасининг туман, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш-ни амалга оширувчи бўлинмаси;

худудий электр тармоқлари корхонаси – вилоят, шаҳар, иқтисодий зона (саноат зонаси) доирасида электр таъминоти шартномаси асосида истеъмолчиларга электр энергиясини сотиш ва тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс.

2. Мазкур Низом талаблари истеъмолчиларга, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига ва электр таъминоти корхоналарига, «Ўздавэнеггоназорат» инспекцияси ҳудудий бўлимларига ҳамда истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартибда иштирок этадиган лойиҳа ва пудрат ташкилотларига тааллуқлидир.

Мазкур Низом ички электр қурилмаларининг пудрат ишларини амалга оширишни назарда тутмайди.

3. «Бир дарча» хизмати қуйидаги ишларни амалга оширади:

истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш учун талабномаларни қабул қилиш ва рўйхатга олишни;

истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш учун техник шартларни (бундан буён матнда

техник шартлар деб юритилади) тайёрлашни ташкил этишни ва уларни истеъмолчиларга беришни;

ташқи электр таъминоти лойиҳасини (бундан буён матнда Лойиҳа деб юритилади), шунингдек қурилиш-монтаж ва созилаш ишларини (бундан буён матнда пудрат ишлари деб юритилади) амалга оширилиши учун шартномалар тузилишини ташкил этишни;

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси ҳудудий бўлими инспектори (бундан буён матнда инспектор деб юритилади) томонидан истеъмолчининг электр қурилмаларини кўриқдан ўтказилишини ва уларни эксплуатация қилишга рухсат бериш ҳақидаги далолатномани берилишини ташкил этишни;

электр таъминоти шартномаси тузилишини ташкил этишни;

истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улашни ва кучланиш берилишини ташкил этишни;

электр қурилмалари электр тармоқларига уланганидан сўнг истеъмолчига зарур техник ҳужжатларни ҳамда электр таъминоти шартномасини тақдим этишни (ушбу ишлар «Бир дарча» хизмати орқали лойиҳа ва пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилмаган тақдирда Лойиҳа ва техник ҳужжатларни истеъмолчига хизмат кўрсатган лойиҳа ва пудрат ташкилоти тақдим этади).

4. Субистеъмолчиларни янги ёки қўшимча электр қурилмалари қувватларини истеъмолчиларнинг электр тармоқларига улаш, шунингдек «Бир дарча» хизматидан фойдаланишни рад этган истеъмолчиларнинг (техник шартларни олишдан ташқари) электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 35-сон, 382-модда) билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

II БОБ. ТЕХНИК ШАРТЛАРНИ БЕРИШ

5. Истеъмолчилар янги ёки қўшимча электр қурилмалари қувватларини ишга туширишдан олдин техник шартларни олишга мажбурдирлар.

6. Техник шартлар истеъмолчининг ёки туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг ёхуд лойиҳа ташкилотининг талабномаси келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида берилади.

Техник шартларнинг берилиши бепул амалга оширилади.

7. Техник шартларни олиш учун талабнома тармоқларига истеъмолчи электр қурилмалари уланиши мўлжалланаётган электр таъминоти корхонасининг «Бир дарча» хизматига тақдим этилади.

8. Талабномани қабул қилиш вақтида «Бир дарча» хизмати томонидан истеъмолчига қуйидагилар тушунтириб ўтилиши лозим:

истеъмолчиларда «Бир дарча» хизмати орқали техник шартларни олиш билан бир вақтда Лойиҳа ва пудрат ишларини амалга ошириш имкони мавжудлиги;

Лойиҳа ва пудрат ишларини амалга оширишда «Бир дарча» хизмати тақлиф этган лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг шартлари маъқул келмаганда истеъмолчиларнинг ўзлари бошқа бир лойиҳа ва пудрат ташкилотлари билан ишлар амалга оширилишини ташкиллаштирилишини талаб қилиши мумкинлиги;

истеъмолчилар Лойиҳа ва пудрат ишларини «Бир дарча» хизмати орқали амалга оширилишини рад этадиган бўлса, техник шартларни олиши ва ушбу ишларни мустақил тарзда амалга ошириши мумкинлиги;

электр қурилмаларининг электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича уланиш тартибини.

9. Техник шартларни олиш учун талабномада истеъмолчининг электр қурилмаларини тавсифловчи қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

умумий сўралган электр қувватининг миқдори;

электр таъминотининг ишончлилиги бўйича тоифаси;

объектнинг ўрнашган жойи (аҳоли истиқомат қилиш пунктлари билан боғланган картографик материаллар илова қилинган ҳолда);

электр қурилмаларини эксплуатацияга тушириш муддатлари.

10. «Бир дарча» хизмати талабнома келиб тушган куннинг ўзида уни рўйхатга олинашини ва техник шартларни ишлаб чиқиш учун ҳудудий электр тармоқлари корхонасига юборилишини таъминлайди.

11. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси талабнома келиб

тушгандан бошлаб истеъмолчига техник шартларни берилиши муддатини инобатга олган ҳолда талабномани кўриб чиқиб, техник шартларни расмийлаштиради ва тегишли электр таъминоти корхонасининг «Бир дарча» хизматига юборади.

12. Техник шартлар туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг ёки лойиҳа ташкилотининг талабномаси бўйича расмийлаштирилган ҳолларда, улар «Бир дарча» хизмати орқали бевосита туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га ёки лойиҳа ташкилотига тақдим этилади.

13. Техник шартлар имкон қадар яқин жойлашган ишлаб турган электр тармоқларидан, тармоқларнинг ва электр қурилмаларнинг юкларини ҳисобга олган ҳолда берилади.

Қўшимча қувватни улаш билан боғлиқ бўлмаган ва ишлаб турган электр тармоқларини реконструкция қилиш бўйича асосланмаган талабларни техник шартларга киритиш тақиқланади.

Қўшимча қувватни улаш билан боғлиқ бўлган ишлаб турган электр тармоқларини реконструкция қилиш (трансформаторни, симларни, кабелларни ва бошқаларни алмаштириш) зарурияти техник ҳисоб-китобларга асосан Лойиҳа билан аниқланади.

14. Истеъмолчининг электр қувватини уланиши қўшни ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан келиши заруратини туғдирса, ушбу келишув техник шартларни бераётган тегишли ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан истеъмолчини жалб этмаган ҳолда амалга оширилади.

III БОБ. ЛОЙИҲАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИ КЕЛИШИШ

15. Истеъмолчи «Бир дарча» хизмати томонидан тақлиф этилган ёки ўзи танлаган лойиҳа ташкилотлари билан Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича шартнома тузилишига рози бўлган тақдирда, уни «Бир дарча» хизмати талабнома берилган кундан эътиборан беш иш куни давомида лойиҳа ташкилотларининг шартномалари лойиҳалари билан таништиради.

Истеъмолчи тақдим этилган шартномалар лойиҳаларининг шартларига рози бўлмаган тақдирда, Лойиҳа ишлаб чиқилишини амалга ошириш учун бошқа лойиҳа ташкилотлари билан мустақил равишда шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Бунда «Бир дарча» хизмати томонидан истеъмолчига техник шартлар тақдим этилади.

16. Истеъмолчи «Бир дарча» хизмати томонидан тақдим этилган Лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича шартнома лойиҳасини имзолаган тақдирда, «Бир дарча» хизмати бир иш куни давомида тегишли лойиҳа ташкилотига Лойиҳа ишлаб чиқилиши учун техник шартларни ва расмийлаштирилган шартномани юборади.

17. Лойиҳани ишлаб чиқиш қуйидаги муддатларда амалга оширилиши лозим:

кучланиши 1 кВ гача ва қуввати 10 кВт дан юқори бўлган электр қурилмалар учун – шартномада белгиланган тегишли тўлов истеъмолчи томонидан амалга оширилган кундан бошлаб 15 кунгача;

кучланиши 6–10 кВ бўлган электр қурилмалар учун – шартномада белгиланган тегишли тўлов истеъмолчи томонидан амалга оширилган кундан бошлаб 20 кунгача;

кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалар учун – шартномага мувофиқ.

18. Лойиҳа, уни ишлаб чиққан лойиҳа ташкилоти томонидан ҳудудий электр таъминоти корхонаси ва «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилиши лозим.

19. Истеъмолчиларнинг кучланиши 1 кВ гача ва қуввати 10 кВт гача бўлган электр қурилмалари учун ҳисоб-монтаж схемаси Лойиҳа бўлиб ҳисобланади ва у ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ҳамда «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси билан келишилмайди.

Бунда ҳисоб-монтаж схемаси электр таъминоти шартномасига илова қилинади.

20. Қуйидаги ҳолларда қўшимча техник шартлар олинаши ва Лойиҳа ишлаб чиқилиши шарт:

истеъмолчининг электр қурилмаларини умумий қувватини ошириш талаб этилса;

истеъмолчининг электр таъминотини ишончлилиги бўйича тоифасини ўзгартириш керак бўлса;

истеъмолчининг ташқи электр таъминоти схемасини ўзгартириш талаб этилса.

Бунда истеъмолчи электр қурилмаларининг умумий қуввати унинг аввал уланган қувватини ҳисобга олган ҳолда 10 кВт дан ошган тақдирда Лойиҳа ишлаб чиқилади ва ушбу Низом-

да белгиланган тартибда келишилади.

21. Худудий электр тармоқлари корхонаси ва «Ўздавэнергонадзорат» инспекцияси томонидан Лойиҳанинг келишуви ҳақ олинмасдан ва истеъмолчи жалб қилинмасдан амалга оширилади. Бунда Лойиҳани кўриб чиқиш ва келишиш муддати у тақдим этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади:

кучланиши 1 кВ гача ва қуввати 10 кВт дан юқори бўлган электр қурилмалари учун – 3 иш кунидан;

кучланиши 6–10 кВ бўлган электр қурилмалари учун – 5 иш кунидан;

кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун – 7 иш кунидан.

22. Лойиҳа келишилгандан сўнг бир иш кунини давомида тегишли лойиҳа ташкилоти уни «Бир дарча» хизматига келишув ҳужжатлари билан бирга тақдим этади.

IV БОБ. ПУДРАТ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

23. Келишилган Лойиҳа олингандан сўнг бир иш кунини давомида пудрат ишлари амалга оширилиши учун истеъмолчи «Бир дарча» хизмати томонидан тақлиф этилган ёки истеъмолчининг ўзи танлаган пудрат ташкилотлари билан шартнома тузилишига рози бўлган тақдирда, шартнома тузиш учун «Бир дарча» хизмати Лойиҳани тегишли пудрат ташкилотларига юборади.

Ўз навбатида ушбу пудрат ташкилотлари келишилган Лойиҳага асосан икки иш кунини давомида пудрат ишларини амалга ошириш шартномалари лойиҳаларини тузади ва уни «Бир дарча» хизматига тақдим этади.

24. «Бир дарча» хизмати истеъмолчинини пудрат ташкилотларининг пудрат ишларини амалга ошириш бўйича тақлиф этган шартномалари лойиҳалари билан таништиради.

Истеъмолчи тақдим этилган шартномалар лойиҳаларининг шартларига рози бўлмаган тақдирда, пудрат ишларини амалга ошириш учун бошқа пудрат ташкилотлари билан мустақил равишда шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Бунда «Бир дарча» хизмати томонидан истеъмолчига техник шартлар ва келишилган Лойиҳа тақдим этилади.

25. Истеъмолчи «Бир дарча» хизмати томонидан тақдим этилган пудрат ишларини амалга ошириш бўйича шартномани имзолаган тақдирда, «Бир дарча» хизмати бир иш кунини давомида тегишли пудрат ташкилотига келишилган Лойиҳани ва расмийлаштирилган шартномани юборади.

26. Пудрат ишлари қуйидаги муддатларда амалга оширилиши лозим:

кучланиши 1 кВ гача ва қуввати 10 кВт дан юқори бўлган электр қурилмалари учун – шартномада белгиланган тегишли тўлов истеъмолчи томонидан амалга оширилган кундан, шунингдек шартнома шартларига кўра пудрат ишлари учун керакли материаллар истеъмолчи томонидан етказиб берилиши назарда тутилган бўлса, улар етказиб берилган кундан бошлаб 15 кунгача;

кучланиши 6–10 кВ бўлган электр қурилмалари учун – шартномада белгиланган тегишли тўлов истеъмолчи томонидан амалга оширилган кундан, шунингдек шартнома шартларига кўра пудрат ишлари учун керакли материаллар истеъмолчи томонидан етказиб берилиши назарда тутилган бўлса, улар етказиб берилган кундан бошлаб 30 кунгача;

кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари учун – шартномага мувофиқ.

27. Кучланиши 1 кВ гача бўлган ташқи электр таъминоти бўйича пудрат ишлари электр таъминоти корхонаси томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

28. Тегишли пудрат ташкилоти пудрат ишлари тугагандан сўнг «Бир дарча» хизматига бу ҳақда маълум қилади ва у ўз навбатида бир иш кунини давомида «Ўздавэнергонадзорат» инспекциясининг худудий бўлимига пудрат ишларининг тугагани ҳақда электр қурилмалар кўриқдан ўтказилиб, эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисидаги далолатнома берилиши лозимлиги ҳақида ёзма хабар беради.

Кўриқдан ўтказилишнинг аниқ кунини ҳамда вақти инспектор ва истеъмолчи билан келишилган ҳолда «Бир дарча» хизмати томонидан мувофиқлаштирилади.

V БОБ. ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

29. Электр қурилмаларини кўриқдан ўтказиб, эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисида тегишли далолатномани расмийлаштириш инспектор томонидан «Бир дарча» хизмати хабар берган вақтдан бошлаб уч иш кунини мобайнида истеъ-

молчи (ёки унинг вакили) ҳамда пудрат ташкилотининг ва худудий электр тармоқлари корхонасининг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

30. Истеъмолчиларнинг кучланиши 1 кВ гача ва қуввати 10 кВт гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашда инспектор томонидан электр қурилмаларини эксплуатацияга қабул қилиш кўриги ўтказилмайди ва электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисидаги далолатнома талаб этилмайди.

31. Кўриқдан ўтказиш вақтида инспектор қуйидагиларни кўриб чиқади:

амалга оширилган пудрат ишларининг норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатларга ва Лойиҳага мувофиқлигини;

электр тармоқларига уланишнинг техник шартларга мувофиқлигини;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган электр қурилмаларининг мувофиқлик сертификати мавжудлигини;

электр ҳўжалигининг хавфсиз эксплуатация қилиниши учун тайинланган жавобгар шахснинг мавжудлигини;

истеъмолчиларнинг кучланиши 1 кВ гача ва қуввати 10 кВт дан юқори бўлган электр қурилмалари бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига, кучланиши 6–10 кВ бўлган электр қурилмалари бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига ва кучланиши 35 кВ ва ундан юқори бўлган электр қурилмалари бўйича норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ тегишли ҳужжатларнинг мавжудлигини.

Электр қурилмаларининг бошқа шартлар бўйича кўриқдан ўтказилиши ҳамда кўшимча ҳужжатларнинг талаб этилиши тақиқланади.

32. Истеъмолчи томонидан чакана савдо тармоғига аҳолига сотиш учун келиб тушаётган ва тегишли мувофиқлик сертификати эга бўлган 0,4 кВ гача кучланишли ёритиш қурилмалари, электр асбоблари ва электр машиналаридан фойдаланилганда, шунингдек электр ҳўжалигининг хавфсиз эксплуатация қилиниши учун жавобгар шахсни тайинлаш ёки ёллаш имконияти бўлмаган тақдирда, электр ҳўжалигининг хавфсиз эксплуатация қилиниши учун жавобгарликни истеъмолчи ўз зиммасига олиши мумкин.

Бунда электр ҳўжалигининг хавфсиз эксплуатация қилиниши учун жавобгарликни ўз зиммасига олган шахсга инспектор томонидан электр қурилмаларни кўриқдан ўтказиш билан бир вақтда электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси бўйича йўриқнома берилади ва бу ҳақда йўриқномаларни рўйхатга олиш журналига қайд қилинади.

33. Мазкур Низомнинг 31-бандида кўрсатилган тартибда электр қурилмалари кўриқдан ўтказилиб, камчиликлар аниқланмаган тақдирда, инспектор шу куннинг ўзида электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсат берилиши ҳақидаги далолатномани уч нусхада расмийлаштиради.

Инспектор электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсат берилиши тўғрисидаги далолатноманинг битта нусхасини истеъмолчига ва битта нусхасини худудий электр тармоқлари корхонасининг вакилига кейинчалик электр таъминоти шартномасини тузиш учун топширади.

34. Мазкур Низомнинг 31-бандида кўрсатилган тартибда электр қурилмалари кўриқдан ўтказилиб, камчиликлар аниқланган тақдирда, инспектор томонидан электр қурилмаларни эксплуатация қилишга рухсат берилмаслигига сабаб бўлган камчиликлар аниқ кўрсатилган ҳолда ҳулоса берилади.

35. Амалга оширилган пудрат ишларининг норматив-ҳуқуқий ва норматив-техник ҳужжатларга ва Лойиҳага, шунингдек электр тармоқларига уланишнинг берилган техник шартларга номувофиқлиги ҳамда электр энергиясини ҳисобга олиш приборининг ўрнатилиши билан боғлиқ бўлган камчиликлар, агарда ушбу камчиликлар пудрат ташкилотларининг айби билан юзага келган бўлса, уларнинг ҳисобидан бартаф этилади.

36. Кўриқдан ўтказиш вақтида амалга оширилган ишлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда қуйидаги ҳужжатлар имзоланади:

истеъмолчи ва пудрат ташкилотининг вакили томонидан амалга оширилган ишларнинг далолатномалари;

истеъмолчи, пудрат ташкилотининг ва худудий электр тармоқлари корхонасининг вакиллари томонидан электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш приборларини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими уланганлиги тўғрисидаги далолатнома.

VI БОБ. ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ВА ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИГА УЛАШ

37. Электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисидаги далолатнома электр таъминоти шартномасини тузиш ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

38. Электр таъминоти шартномаси ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан истеъмолчи ўртасида тузилади.

39. Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш ва уларга кучланиш берилиши қуйидаги шартлар бажарилганда амалга оширилади:

электр қурилмаларини эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисидаги далолатнома ёки кучланиши 1 кВ гача ва қуввати 10 кВт гача бўлган истеъмолчилар электр қурилмалари учун мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ истеъмолчининг ариза-мажбурияти мавжуд бўлганда;

электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келадиган қиёслашдан ўтган ҳисобга олиш приборлари ўрнатилганда; электр таъминоти шартномаси тузилганда.

40. Электр таъминоти шартномаси тузилган кундан эътиборан истеъмолчи электр энергиясидан фойдаланиши мумкин.

41. Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш приборларини уланиш схемаси тўғрилигини текшириш ҳамда ҳисобга олиш приборларининг клеммник қопқоғини ва ўлчаш занжирларини пломбалаш электр таъминоти корхонаси томони-

дан кучланиш бериш вақтида амалга оширилади.

42. Истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш ва уларга кучланиш бериш истеъмолчининг раҳбари ёки электр хўжалигини хавфсиз эксплуатация қилиш учун жавобгар шахс иштирокида электр таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

43. Истеъмолчининг раҳбари ёки электр хўжалигини хавфсиз эксплуатация қилиниши учун жавобгар шахс иштирокида электр қурилмаларни электр тармоқларига улаш тақиқланади.

44. Истеъмолчининг электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш ишлари амалга оширилганидан сўнг «Бир дарча» хизмати томонидан унга бир нусхадан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

техник шартлар;

Лойиха;

ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш наряди;

электр таъминоти шартномаси.

VII БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

45. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

46. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» ДАК ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ КУЧЛАНИШИ 1 КВ ГАЧА ВА ҚУВВАТИ 10 КВТ ДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯГА КАБУЛ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

1. Техник шартлар.

2. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва «Ўздавэнерго-назорат» инспекцияси билан келишилган Лойиха.

3. Электр хўжалиги учун жавобгар шахсни тайинлаш ҳақидаги буйруқдан кўчирма.

4. Хавфсизлик техникаси бўйича мавжуд ҳимоя воситаларининг рўйхати.

5. Кабель ва ҳаво линиясининг ижро чизмаси.

6. Кабелни ер остидан ўтказиш ҳамда механик шикастланишлардан ҳимоялаш бўйича ер ости ишларининг далолатномаси.

7. Кабелларни ва ўлчов ток трансформаторларини синаш ҳамда коммутация электр қурилмаларини сошлаш баённомалари.

8. Симлар ва электр ускуналар изоляциясининг қаршили-

гини ўлчаш баённомаси.

9. Ерга улаш қурилмалари ва ерга уланадиган қисмлар ўртасида занжир мавжудлигини текшириш баённомаси.

10. Ерга улаш қурилмаларининг қаршилигини ўлчаш баённомаси.

Эслатма:

электр қурилмаларини эксплуатацияга қабул қилишда мазкур рўйхатнинг 1 ва 2-бандларидаги ҳужжатлар «Бир дарча» хизмати томонидан, 3 ва 4-бандларидаги ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан, бошқа бандлардаги ҳужжатлар пудрат ташкилоти томонидан тақдим этилади;

мазкур рўйхатдаги ҳужжатлар тегишли электр қурилмалари мавжуд бўлганда талаб қилинади.

Тадбиркорлик субъектларининг электр қурилмаларини электр тармоқларига «бир дарча» тамойили бўйича улаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ КУЧЛАНИШИ 6-10 КВ БЎЛГАН ЭЛЕКТР ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЭКСПЛУАТАЦИЯГА КАБУЛ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИНИ АНИҚЛАШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

1. Техник шартлар.

2. Ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва «Ўздавэнерго-назорат» инспекцияси билан келишилган Лойиха.

3. Электр хўжалиги учун жавобгар шахсни тайинлаш ҳақидаги буйруқдан кўчирма.

4. Хавфсизлик техникаси бўйича мавжуд ҳимоя воситаларининг рўйхати.

5. Кабель ва ҳаво линиясининг ижро чизмаси.

6. Кабелни ер остидан ўтказиш ҳамда механик шикастланишлардан ҳимоялаш бўйича ер ости ишларининг далолатномаси.

7. Разрядлагичларни ва кабелларни синаш баённомалари.

8. Симлар ва электр ускуналар изоляциясининг қаршилигини ўлчаш баённомаси.

9. Ерга улаш қурилмалари ва ерга уланадиган қисмлар ўртасида занжир мавжудлигини текшириш баённомаси.

10. Коммутация электр қурилмаларини сошлаш баённомалари.

11. Трансформатор пункти (ТП) заминлаш контурининг ижро чизмаси ва ер ости ишларини бажарилганлиги далолатномаси.

12. Куч ва ўлчов трансформаторини синаш баённомалари.

13. Трансформатор мойининг қисқартирилган таҳлили баённомаси.

14. Юқори вольтли шиналарнинг саноат частотасидаги юқори кучланиш билан синаш баённомаси.

15. ТПни ерга улаш контурини ва ерга улаш қурилмаларининг қаршилигини ўлчаш баённомаси.

Эслатма:

электр қурилмаларини эксплуатацияга қабул қилишда мазкур рўйхатнинг 1 ва 2-бандларидаги ҳужжатлар «Бир дарча» хизмати томонидан, 3 ва 4-бандларидаги ҳужжатлар тадбиркорлик субъекти томонидан, бошқа бандлардаги ҳужжатлар пудрат ташкилоти томонидан тақдим этилади;

мазкур рўйхатдаги ҳужжатлар тегишли электр қурилмалари мавжуд бўлганда талаб қилинади.

*Низомга 3-илова берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТда ва www.norma.uz сайтида танишиш мумкин.

ФИЛИАЛЛАР НИМАЛАРГА ВАКОЛАТЛИ?

4-бетда

ШАРТНОМА МУДДАТГА АСОСЛАНАДИ...

Бизнинг ОАЖ 24 ой ичида объектни қуриб битказиши керак. Лойиҳани амалга ошириш учун биз қарийб 50 кишини ишга қабул қилишимиз лозим. Ходимлар билан меҳнат шартномасини фақат лойиҳа муддатига тузиш мумкинми?

– МКнинг 75-моддасига кўра меҳнат шартномалари номуайян муддатга; беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга; муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Иккинчи ва учинчи ҳолларда муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Уларни тузиш учун МКнинг 76-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлиши лозим. Уларнинг бири бўлғуси ишнинг хусусиятидир, яъни бажарилиши учун ходим қабул қилинган ишни, муайян давр тугагандан кейин, объектив сабабларга кўра давом эттириш мумкин эмаслиги олдиндан маълумлигидир. Лойиҳанинг амал қилиш муддатига ишга жойлашиш бўлғуси ишнинг муддатли хусусияти, яъни лойиҳанинг тугашига қадар бўлиши би-

лан асосланади. Аини вақтда, гарчи ходим муддатли тусдаги ишни бажариш учун ишга қабул қилинган бўлса-да, унинг тугаш санасини аниқ белгилаш мушкул. Зеро қурилиш объектини топшириш чоғида буюртмачида кўп ҳолларда эътирозлар юзага келади. Шу муносабат билан уларни бартараф этиш зарурати юзага келади. Қуриб битказилган объектни топшириш кейинроқ (ёки олдинроқ) амалга оширилиши мумкин, объект қурилиши бўйича ишларнинг бутун ҳажмини тугаллаш бўйича меҳнат мажбуриятларини бажариш заруратини юзага келтирадиган бошқа ҳолатлар ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Шу сабабли ишга қабул қилинаётган ходимлар билан лойиҳани амалга ошириш учун муайян ишни бажариш

вақтига меҳнат шартномасини тузиш тавсия қилинади, унда ишни бажаришнинг календарь санаси кўрсатилади, меҳнат шартномаси амал қилишининг тугаши эса лойиҳа бўйича қурилишнинг якувланиши тақозо этади. Лойиҳа бўйича ишларни бажариш вақтига тузилган меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилиниши мумкин. Бироқ бу шартнома тузган ходим билан меҳнат муносабатларини бошқа асослар бўйича бекор қилиш мумкин эмаслигини билдирмайди.

Меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан меҳнат муносабатларини бекор қилишга унинг муддати тугаган кунда ҳам, у тугагандан кейин бир ҳафта мобайнида ҳам йўл қўйилади (МКнинг 105-моддаси). Бунда шартноманинг исталган тарафи мазкур асосга кўра, ҳатто бошқа тарафнинг хоҳишига қарши бориб, бекор қилишга ҳақлидир. Шуни таъкидлаш лозимки, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида шартнома муддати тугаши муносабати билан меҳнат муносабатларини бекор

қилишга қарор қилган тарафнинг бу ҳақда иккинчи тарафни олдиндан хабардор қилиш мажбурияти назарда тутилмайди, чунки муддатли меҳнат шартномасини тузиш чоғидаёқ тарафлар унинг тугаш муддатини биладилар.

Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, бир ҳафталик муддатни ўтказиб юборишни амалдаги қонун ҳужжатлари ҳеч қандай ҳолатлар ва узрли сабаблар билан боғламайди. Ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, давлат ёки жамоат вазибаларини бажариш таътилида бўлиш, халқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ёки ҳимоячиси сифатида иштирок этиш давларида ва бошқа сабабларга кўра ишда бўлмаган ҳолларда ҳам шартнома муддатининг тугаши билан меҳнат муносабатларини бекор қилишга йўл қўйилади.

ШАРТНОМА ТУЗИШГА ҲАҚЛИ

Агар ижро этувчи агент бўлиб ОАЖ ҳисобланса, лойиҳани амалга ошириш учун барпо этилган ОАЖ филиали унинг амал қилиш даврида хўжалик шартномаларини мустақил тузиш ва бажариш ҳуқуқига эгами? Филиал ўз номидан буюртмачи билан бажарилган ишлар далолатномалари, ҳисобварақ-фактуралар ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириши мумкинми?

– ФК 47-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ филиал юридик шахснинг... унинг барча вазибаларини ёки вазибаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазибаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир. АЖ тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасига кўра филиал фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган акциядорлик жамияти зимма-

сида бўлади. Филиалнинг ваколатлари, шу жумладан шартномаларни тузиш бўйича ваколатлари у тўғрисидаги низом билан белгиланади. Филиал раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ОАЖ берадиган ишончномада назарда тутилади.

Шу тариқа, шартномаларни тузиш ва ижро этиш имконияти (ёки имконсизлиги) локал ҳужжатларда – филиал тўғриси-

даги низом ва унинг раҳбарига берилдиган ишончномада кўрсатилиши керак. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, **ҳатто агар ОАЖ филиал раҳбарига шартномаларни тузиш ва ижро этиш ҳуқуқини берганда ҳам бу филиал лойиҳа бўйича ишларни бажариш даврида ОАЖ мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади деган маънони англатмайди, чунки унинг ижрочиси акциядорлик жамиятидир. Ана шу сабабга кўра филиал ўз номидан бажарилган ишлар далолатномалари, ҳисобварақ-фактуралар ва лойиҳа буюртмачиси билан бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда имзолашга ҳақли эмас. Уларни буюртмачи ва ОАЖ имзолаши керак.**

Лойиҳани амалга оширишда филиал иштирокини тўғри расмийлаштиришни таъминлаш учун қуйидагиларни тавсия қиламиз:

- лойиҳанинг бевосита ижрочиси бўлиб ОАЖ филиали ҳисобланиши тўғрисида буюртмачини хабардор қилиш;
- филиал раҳбарига берилган ишончномада унинг ваколатлари ва лойиҳани амалга ошириш учун жавобгарлигини аниқ қайд этиш;
- учинчи шахслар билан тузиладиган шартномаларда лойиҳани амалга оширишда филиал ОАЖ номидан фаолият юртишини кўрсатиш;
- филиал томонидан бажарилган ишларнинг акциядорлик жамиятига топширилиши ва уларни имзолаш учун буюртмачига тақдим этиш тартибини белгилаш.

Павел СИЛЬНОВ, адвокат.

Бизнес янгиликлари

ЮК ТАРИФИ ОШДИ

«Россия темир йўллари» компанияси хизматларида юк тарифи 1 январдан 7%га ошган.

Бундан ташқари, компания жорий йилда тарифнинг инфратузилмага оид қисмини белгиланган нархлар коридори доирасида ўзгартириш ҳуқуқини олиши керак. Тарифлар бўйича федерал хизмат Россия, Беларуссия ва Қозоғистоннинг Ягона иқтисодий макон тўғрисидаги битимини амалга ошириш доирасида компания учун – 12,8%дан + 13,4%га қадар диапазонда тариф коридорини ишлаб чиқди.

Россия темир йўллари раҳбарияти тариф коридорининг барпо этилиши компанияга ташиш нархини шакллантиришда иштирок этиш ва бозордаги ўзгаришларга янада мослашувчан муносабатда бўлиш имконини беради деб ҳисоблайди.

УНИВЕРСАЛ КАРТА БЕРИЛАДИ

Россияда фуқароларнинг аризаларига биноан шу йилдан бошлаб универсал электрон карталарни бериш бошланади, улар ёрдамида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш, коммунал тўловлар, транспортда юриш, товарларга тўлов тўлаш мумкин.

Картада мижоз тўғрисида маълумотлар ва электрон имзо бўлади. Ундан банккоматлар, терминаллар ва ПК орқали фойдаланиш мумкин. Карталарни бериш

банклар, минтақавий маъмуриятлар, олий ўқув юртлари ва бошқа органлар зиммасига юкланган, улар бепул бериллади.

Кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб карталар РФнинг барча фуқароларига бериллади, уни олишни ёзма равишда рад этганлар бундан мустасно.

Универсал карталар узок вақт амал қилмайди. 3–5 йилдан сўнг уни янги авлод паспортларига киритиш режалаштириляпти, уларни Федерал миграция хизмати беради.

Ўзбекистонда NFC технологиялари жорий этиляпти. ССП ва БМТТДнинг «Ўзбекистон бизнес форуми» дастури томонидан амалга ошириляётган лойиҳа бўйича ушбу технологиялар ва «SMS-To'lov» тўловлар тизимидан фойдаланган ҳолда харидлар, йўлда юриш ва бошқа нарсаларга уяли телефон воситасида ҳақ тўлаш имконияти бериллади.

ҚАБУЛ ҚИЛИШГА МАЖБУРЛАР

Қозоғистон ҳукумати тўлов карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширилганда якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахслар қабул қилишлари шарт бўлган фаолият турларини тасдиқлади.

Улар улгуржи ва чакана савдо корхоналари учун, меҳмонхоналар, ресторанлар, ҳаво ва темир йўл транспорти, туроператорлар, суғурта, соғлиқни сақлаш, таълим, кинотеатрлар, фитнес ва спорт клублари ҳамда дискотекаларга ҳақ тўлашда мажбурийдир.

Ушбу талаб умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғи мавжуд бўлмаган жойларда татбиқ этилмайди. Ўзи етиштирган қишлоқ хўжалиги ва баликчилик маҳсулотининг улгуржи ва чакана савдо учун, кўчма пештахталар, автолавакалар, чодирлар, киоскалар, контейнерлар орқали ва савдо бозорлари ҳудудидаги савдо учун ҳам истисно қилинди.

Ўзбекистонда айрим объектларда пластик карточкалар бўйича тўлов учун терминалларнинг мажбурийлиги 2005 йилдан жорий этилган. 2010 йилда уларнинг рўйхати кенгайтирилди. Унга аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширадиган амалда барча хўжалик юритувчи субъектлар кирди.

ФАСТФУД РЕКЛАМАСИ ЧЕКЛАНАДИ

Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги фастфуд, лимонад ва чипслар рекламасини чеклашга тайёрланяпти.

2020 йилга қадар РФда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг янги дастури аҳолида рационал овқатланиш маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратади. Унга мувофиқ рационал ва мувозанатланган овқатланиш шарт-шароитларини барпо этиш бир қатор юқори калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари рекламасини чеклаш чораларини жорий этишни талаб қилади.

Internet материалларидан.

ЎҚИШНИ КЎЧИРИШ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори (29.12.2012 йилдаги 367-сон) билан Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишни кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Ҳарбий академик лицейлар ўқувчиларини ўқишдан четлаштириш ва бошқа таълим муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Эндиликда юқорида кўрсатилган муассасаларнинг ўқувчилари ўқишни бир муассаса ичида, шунингдек бошқаларига кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш ёзги таътил даврида, ўқув машғулоти бошланишига қадар бепул амалга оширилади. Бу бир таълим муассасаси доирасида амалга оширилса, ушбу муассаса директорининг буйруғи кифоя.

Бир минтақа доирасида ўқувчилар ўқишни бир муассасадан бошқасига кўчириш ёки қайта тиклаш иккала муассаса директорларига бериладиган ўқувчининг ёзма аризаси, ўқувчи вояга етмаган бўлса унинг ота-онасидан бирининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) аризаси ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими тегишли ҳудудий

бошқармасининг рухсати билан амалга оширилади.

Бир минтақадан бошқа минтақага ўқувчилар ўқишни кўчириш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази рухсати билан амалга оширилади. Унинг рухсати бошқа давлатларнинг таълим муассасаларида таҳсил олган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўқишни республика ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига кўчириш; ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларини ота-оналари билан биргаликда доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетиши муносабати билан ўқишдан четлаштириш; бир

ҳудуд доирасида ўқувчиларни бир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан турли вазирликлар (идоралар) тасарруфидаги бошқа ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасига кўчириш; ўқувчиларни Таснифлагичга мувофиқ бир билим соҳасидан бошқа билим соҳасига кўчириш ҳолларида ҳам зарур.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси ўқувчилари қуйидаги ҳолларда ўқишдан четлаштирилиши мумкин: саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида) академик таътил олганда; ўқиши бош таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан; доимий яшаш учун бошқа давлатга чиқиб кетганда; суднинг қарори билан озодликдан маҳрум этилганда.

БАКАЛАВРДАН – ДОКТОРЛИККА

Менинг ўғлим шу йил магистратурани тугатиб, илмий фаолиятни давом эттириш ниятида. Бироқ кейинги вақтда Ўзбекистонда илмий ишларни ҳимоя қилиш ва илмий унвон олиш тартиби анча ўзгарди.

Газетангизда ушбу янгиликлар тўғрисида ўқишни хоҳлардик.

Вера Гусева. Тошкент шаҳри.

– Президентнинг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Фармони (24.07.2012 йилдаги ПФ-4456-сон) билан Ўзбекистонда олий ўқув юрти таълими ва фан доктори илмий унвонини ҳимоя қилишнинг янги тизими жорий этилди. Уни ижро этиш учун Вазирлар Маҳкамаси «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий

ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» қарор (28.12.2012 йилдаги 365-сон) қабул қилди, у билан олий ўқув юртидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссияси (бундан кейин – ОАК) тўғрисидаги низом ва унинг тузилиши, Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низом ва у ҳақидаги ҳужжатларнинг (фан доктори дипломининг, профессор, доцент ва катта илмий ходим аттестатларининг) давлат намуналари тасдиқланди. Бунга мувофиқ ОАК Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш тўғрисидаги ҳамда илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

Энди олий ўқув юртидан кей-

инги ўқиш қуйидаги 2 шаклда амалга оширилади: 3 йилгача давом этадиган давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган катта илмий ходимлар-изланувчилар институти ва мустақил изланувчилик.

Ҳужжатларни қабул қилиш оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинганидан кейин 15 октябрдан 15 ноябргача амалга оширилади. Кириш имтиҳонлари 1 декабрдан 20 декабргача ўтказилади. Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида ёки республиканинг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Талабгорлар мустақил изланувчиликка ҳар йили 25 декабргача, чет тили бўйича имтиҳон ва суҳбат натижалари бўйича танлаб олинади. Бунда бир вақтнинг ўзида бир нечта олий таълим муассасаси ёки илмий тадқиқот муассасасининг талабгори бўлиш мумкин эмас.

Олий ўқув юртидан кейин институтни битирган, бироқ докторлик диссертациясини ёқламаган шахслар кейинчалик мустақил талабгор сифатида қайд этилишлари мумкин

эмас.

Кўрсатилган институтга кириш учун қуйидагилар зарур: камида 2 йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиш; магистр ёки фан номзоди бўлиш ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш; илмий босма материалларга эга бўлиш; хорижий тилни билиш; замонавий АКТдан, шу жумладан Интернетдан фойдалана олиш. Мустақил изланувчилар сифатида расмийлаштириладиган талабгор, бундан ташқари, 5 йиллик илмий иш стажига эга бўлиши керак. Ана шу шартларнинг ҳаммасига риоя этилганда танловда иштирок этишга бакалаврлар ҳам киритилади. Олий ўқув юртидан кейинги танланган таълим йўлланмаси олий таълим тўғрисидаги дипломда кўрсатилган ихтисосликка мувофиқ бўлиши керак. Бироқ фаннинг турдош соҳаларида ҳам талабгорликка йўл қўйилади – бунинг учун талабгорлар кўшимча имтиҳонлар топшириши керак.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар учун ўқув юктамаси ҳажми ҳафтасига 36 соатни ташкил қилади, улардан 12 соати мажбурий аудитория машғулотирага ажратилади. Бундан ташқари, улар ўқишнинг бутун даври давомида 300 соат ҳажмида педагогик фаолиятни

амалга оширишлари керак. Мустақил изланувчилар учун ўқув юктамаси ҳажми ҳафтасига 12 соатни ташкил қилади, улардан 4 соати – аудитория машғулотира. Ҳар бир изланувчи учун фан докторлари жумласидан илмий маслаҳатчи ажратилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар мансаб маошлари оладилар, илмий маслаҳатчилар учун эса уч нафардан кўп бўлмаган изланувчилар билан ишлаганлик улар ўқув-педагогик юктамаси умумий ҳажмига киритилади, бунда ҳар бир катта илмий ходим учун 100 соат ва мустақил изланувчи учун 50 соат белгиланади.

Изланувчилик ихтисослик, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, чет тили, шунингдек фан соҳаларига боғлиқ ҳолда ОАК белгиладиган фанлар бўйича имтиҳонлар топшириш ҳамда ўзбек, рус, қорақалпоқ ёки чет тилларда ОАК билан келишган ҳолда олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасаси тавсия этадиган докторлик диссертациясини ёқлаш билан яқунланади.

Диссертант ва унинг илмий маслаҳатчиси учун муддатидан олдин (камида 6 ой) докторлик диссертациясини ҳимоя қилганлик учун ҳар бирига ЭКИХнинг 15 баравари миқдорида мукофот тўланиши назарда тутилган.

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.

Эълонлар

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, (+998 90) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. (+998 90) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторингларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 996-77-87.

Юқларни божхонадан ўтказиш, БЮДни расмийлаштириш. Тел.: 809-26-11, 233-33-26.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.

Тел.: 233-74-95, 233-17-56,

236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс – 186 Буюртма 747 Адади 2 048. Баҳоси келишилган нархда

Газета 2013 йил 28 январда соат 15.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223